



Куръони карим таркок, бўлак-бўлак холда нозил бўлиши

Кириш

Куръоннинг нозил бўлиши хақидаги мавзу муҳим ва катта мавзу бўлиб, уни билиш Куръон Аллох томонидан нозил қилинган калом эканига иймон келтириш ҳамда Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг рисолаларини тасдиқ қилишнинг асосидир. Чунки у зот хавоӣ нафсларидан гапирмаганлар. Куръон у кишига нозил қилинган ваҳий, холос.

а) Куръони Каримнинг нозил бўлиш босқичлари

Куръони Карим уч боскичда нозил бўлган:

1. Куръони Каримнинг Лавхул-махфузга нозил бўлиши.

Бунга далил Аллох таолонинг куйидаги сўзидир: **«Йўк!!! У Куръони Мажиддир. Лавхул Махфуздадир*»** (Буруж сураси, 21-22-оятлар).

** Лавхул Махфуз – мухофаза килинган лавх, ислом эътиқоди бўйича Аллохнинг хузуридаги лавх бўлиб, барча нарсалар, жумладан, махлуқотларнинг тақдири ёзилган китобнинг номидир. Куръони Карим ҳам дастлаб ўша Лавхда бўлган. Лавхул Махфуз Аллох таолонинг хузурида бўлиб, унга ҳеч қандай ўзгариш кириши мумкин эмас.*

1. Куръони Каримнинг дунё осмонидаги Байтул Иззатга нозил бўлиши.

Бунга далил Аллох таолонинг:

«Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик...» (Духон сураси, 3-оят).

«Рамазон ойи – унда одамларга хидоят хамда хидоятү фуркондан иборат очик-ойдин хужжатлар бўлиб, Куръон нозил килинган» деган сўзларидир *(Бакара сураси, 185-оят)*.

Насоий ва Хокимлар Саъид ибн Жубайрдан, у Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят килади:

«Куръон зикрдан ажратилиб, дунё осмонидаги Байтул Иззатга кўйилди. Сўнг Жаброил уни Набий соллаллоху алайхи васалламга олиб туша бошлади».

Насоий ва Хокимлар Довуд ибн Абу Хинд йўли оркали Икримадан, у Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят килади:

«Куръон дунё осмонига Кадр кечасида бир йўла нозил килинди. Сўнгра, ундан кейин йигирма йил мобайнида (бўлиб-бўлиб) нозил килинди». Кейин: **«Уни хак ила нозил килдик ва хак ила нозил бўлди. Сени фақат хушхабар берувчи ва огохлантирувчи этиб юбордик, холос. Ва Куръонни одамларга аста-секин ўкиб беришинг учун бўлиб кўйдик ва бўлак-бўлак килиб нозил этдик»**

ни ўкиди

(Исро сураси, 105-106-оятлар)

».

1. Куръоннинг дунё осмонидаги Байтул Иззатдан Жаброил алайхиссалом оркали Набий соллаллоху алайхи васалламнинг калбларига таркок холда, бўлак-бўлак бўлиб тушиши.

Аллох таоло: **«Уни Рухул Амийн (Жаброил) олиб тушди... сенинг калбингга, огохлантирувчилардан бўлишинг учун. Очик-ойдин араб тилида»**
, деган

(Шуаро сураси, 193-195-оятлар).

б) Куръонни бўлак-бўлак холда нозил бўлиши

Куръон бўлак-бўлак холда нозил бўларди. Бир ёки икки ёки бир канча оятлар турли вақтларда нозил бўларди. Бунга далил Куръондаги Аллох таолонинг: **«Ва Куръонни одамларга аста-секин ўкиб беришинг учун бўлиб кўйдик ва бўлак-бўлак килиб нозил этдик»**

деган сўзидир

(Исро сураси, 106-оят).

Бу очик ойдин Куръоний далилга суннат ва сийратда келган, Расулulloх соллalloху алайхи васалламга Куръон бир йўла нозилкилинмаганлиги, такрибан йигирма уч йил деб белгиланган муборак биъсалари мобайнида бўлак-бўлак бўлиб нозил бўлгани хакидаги катъий далиллар кўшимча килинади. Суютий «Иткон»да шундай деган: «Сахих ва бошка хадислар ўрганиб чикиладиган бўлса, Куръон эхтиёжга караб беш, ўн, кўпрок, камрок нозил бўлар эди. Ифк воқеасида бир йўла ўн оят нозил бўлгани сахих ривоятларда келган. Шунингдек, Муъминун сурасини бошидан бир йўла ўн оят нозил бўлгани ҳам сахих ривоятларда келган. Оятнинг бир бўлаги «Гойру улид-дорор» (Мўминлардан бешикаст бўла туриб)нинг ўзи нозил бўлгани ҳам сахихдир».

Куръонни бўлак-бўлак холда нозил бўлиши яхудий ва мушрикларнинг эътирозларига сабаб бўлган. «Нима учун Куръон Таврот каби бир йўла нозил бўлмаган», дейишган. Аллох азза ва жалла бу эътирозларини кайд килиб, унга жавобан ушбу ояти каримани нозил килган: **«Куфр келтирганлар: «Унга Куръон бир йўла нозил килинса эди», дедилар. Сенинг калбингни у билан собит килиш (кувватлаш) учун шундай килдик ва уни тартил билан**

(дона-дона килиб)

тиловат килдик»

(Фуркон сураси, 32-оят).

Куръонни бўлак-бўлак нозил бўлишининг хикмати

Куръонни бўлак-бўлак холда нозил бўлиш хикматини куйидаги мушрик ва яхудийларнинг эътирозига жавобан тушган икки оятдан билиб олишимиз мумкин:

– «**Ва Куръонни одамларга аста-секин ўкиб беришинг учун бўлиб кўйдик ва бўлак-бўлак килиб нозил этдик**» (Исро сураси, 106-оят).

– «**Унга Куръон бир йўла нозил килинса эди**», дедилар. Сенинг калбингни у билан **собит килиш** (кувватлаш) **учун шундай килдик ва уни тартил билан** (дона-дона килиб) **тиловат килдик**» (Фуркон сураси, 32-оят).

Куръони Каримнинг бўлак-бўлак килиб нозил бўлишининг хикмат ва сирлари

1. Набий саллаллоху алайхи васалламнинг калбларини кувватлаш:

Буни ушбу оят очик ойдин баён килган: «**Калбингни у билан собит килиш учун шундай килдик**» (Фуркон сураси, 32-оят).

Одамларнинг кўрс муомаласи, очик-ойдин нафрати туфайли Набий алайхиссаломнинг калбини кувватлаш зарур эди. У зот одамларнинг хакни топишини, хидоятга келишини хар канча истасалар хам, Маккада кўпчилик у зотга кўполлик, жафо килар, куфрда туриб оларди.

Вахий Расулulloх соллаллаhu алайхи васалламга вакти-вакти билан нозил бўлиб, химматларини чархлаб турар, сабр-бардошларини оширарди. Куръон энг огир дамларда, энг кийин шароитларда нозил бўларди. Баъзи оятлар ўтган анбиёлар ўз кавмидан кўрган зулм ва кайсарликларини хикоя килиб, Расулulloх соллаллоhu алайхи васалламни бу улуг йўлда сабр-матонат ила давом этишга чакирар эди.

Аллох таоло шундай деган: **«Уларнинг айтаётганлари сени махзун килишини яхши биламиз. Улар сени ёлгончига чиқараётганлари йўк, балки золимлар Аллохнинг оятларини инкор килмоқдалар. Сендан олдин ҳам расулар ёлгончига чиқарилганлар, аммо улар то нусрат келгунича ёлгончига чиқарилганларига ва берилган озорларга сабр килганлар»**
(Анъом сураси, 33-34-оятлар).

Абу Шома: «Куръон бўлак-бўлак бўлиб нозил бўлишининг сири нимада? Бошка самовий китобларга ўхшаб яхлит нозил килинса бўлмасмиди?» дейилса, шундай деймиз: «Аллох таоло бу саволга: **«Калбингни у билан собит килиш учун шундай килдик»** деб жавоб берган, яъни калбингни у билан кувватлаб туриш учун уни бўлак-бўлак килиб нозил килдик. Дархакикат, хар бир воқеа-ходисага тааллуқли янги-янги вахий нозил бўлиши калбга кувват, вахий юборилган зотга кўрсатилган иноят бўлади. Бу эса Жаброил фариштанинг кўп тушишини, у зот билан ахдни янгилаб туришини ва Азиз Зот тарафидан рисолатнинг янги-янги келиб туришини талаб киларди. Бу эса у зот алайхиссаломга сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада сурур берарди. Шунинг учун Расулulloх соллаллоhu алайхи васаллам Рамазонда Жаброил билан кўп мулоқот килганлари учун энг саховатли бўлиб кетардилар».

1. Куръони Каримни ёдлаш ва фахмлашнинг осонбўлиши

Куръони Каримнинг бўлак-бўлак бўлиб нозил бўлишининг сабабларидан бири шуки, у аксарияти бесавод бўлган, ўқиш-ёзишни билмайдиган умматга нозил бўлган. Шунинг учун улар Куръони Каримни коғозга эмас, хотираларига муҳрлаб олишган. Аллох таоло бу ҳақда шундай деди: **«У – уммийларга ўзларининг орасидан Унинг оятларини ўқиб берадиган ва уларни поклайдиган ҳамда уларга Китоб ва хикматни ўргатадиган расул юборган Зотдир. Холбуки, улар илгари очик ойдин залолатда эдилар»**
(Жума сураси, 2-оят).

Аллохнинг бу умматга ато этган раҳматидан бири шуки, уларга Куръонни ёд олишни

осон килиб кўйди, узок йиллар давомида уни бўлак-бўлак нозил бўлган оятларини фахмлашни енгил килиб кўйди. Улар Куръонни ёд олиб, маъноларини англаб олишди. Куръоннинг бўлак-бўлак нозил бўлиши саҳобаи киромларга таълим услубини кўрсатиб берди. Улар уни ҳаётларига татбиқ қилишди, сўнг тобеъинлар улардан буни мерос қилиб олишди. Бу эса босқичма-босқич таълим олишдир. Байхакий «Шуъабул иймон»да Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан қилган ривоятда у киши: «Куръонни беш оят-беш оят қилиб ўрганинглар», деган. Ибн Асоқир Абу Назрадан қилган ривоятда эса: «Абу Саъид Худрий розияллоху анху бизга Куръонни эрталаб беш оят, кечки пайт беш оят ўргатар, Жаброил ҳам Куръонни беш оят-беш оят олиб тушганини айтарди», деган.

1. Шариат аҳкомларидаги босқичма-босқичлик:

Аллоҳ жамиятнинг босқичма-босқич ислоҳ бўлишини хохлади, чунки бузук жоҳилий жамият бир кеча-кундузнинг ўзида солиҳ жамиятга айланиб қолиши мумкин эмас эди. Шунинг учун Куръон унинг босқичма-босқич ўзгаришини ва бу ўзгаришнинг мустаҳкам асослари бўлишини таъминлади. Аввалбошда ақийда ва унинг далилларига боғлиқ бўлган, чиройли хулқларга чорлайдиган оятлар нозил бўлди. Нихоят, одамлар иймон келтириб, нафслари покланганидан кейин эса ҳалол ва ҳаромга оид оятлар муайян изчилликда нозил бўлди.

Бунга далил имом Бухорийнинг Оиша розияллоху анходан қилган ривояти бўлиб, унда Оиша онамиз шундай деганлар: «Ундан илк нозил бўлган нарса жаннат ва дўзах ҳақидаги муфассал суралардир. Одамлар Исломга гуруҳ-гуруҳ бўлиб қира бошлагач, ҳалол ва ҳаром ҳақидаги оятлар, аҳкомлар нозил бўлди. Агар бирданига «Ҳамр ичманглар» деган оят нозил бўлса, одамлар «Ҳамрни асло ташламаймиз», деган бўлишарди. «Зино қилманглар» деган оят нозил бўлса, «Зинони асло ташламаймиз», деган бўлишарди».

1. Воқеа-ҳодисаларга мувофиқ нозил бўлиш

Куръон оятлари қалбга янада таъсирли ва ҳаёт билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиши учун қутилмаган воқеа-ҳодисаларга муносиб ечим ўларок нозил бўлган.

Мунофиқларнинг қаттаси Абдуллоҳ ибн Убай ўлганида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни унга жаноза ўқиб беришлари учун чақиришди. У зот бориб, жаноза ўқимокчи бўлиб турганларида Умар: «Фалон-фалон гапларни айтган Аллоҳнинг

душмани Абдуллох ибн Убайга-я?!» деб, унинг килган ишларини санаб кетди.

Расулulloх соллalloху алайхи васаллам эса табассум килиб, шундай дедилар: **«Менга ихтиёр берилди. Менга: «Улар учун магфират сўрасанг хам, магфират сўрамасанг хам, агар улар учун етмиш марта магфират сўрасанг хам, Аллох уларни зинхор магфират килмас», дейилган**

(Тавба сураси, 80-оят).

Агар мен

(унинг хаккига истигфорни)

етмиш мартадан оширсам, у магфират килинишини билсам, албатта оширар эдим»

. Кейин Расулulloх соллalloху алайхи васаллам унга жаноза ўкидилар, бориб, кабри устида то у кўмилгунича турдилар. Умар шундай деди: «Кейинрок ўшанда Расулulloх соллalloху алайхи васалламга бўлган журъатимдан ўзим хам хайратландим. Яна Аллох ва Унинг Расули билади. Аллохга касамки, бироз ўтиб, мана бу икки оят нозил бўлди:

«Ва ҳеч қачон улардан ўлган бирортасига хам намоз

(жаноза)

ўкима, кабри устида хам турма...»

(Тавба сураси, 84-оят).

Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг руҳини Аллох азза ва жалла кабз килмагунича бирорта мунофикка жаноза ўкимадилар».

Бир гуруҳ содик мўминлар Табук газотига бормаи, Мадинада колганларида Расулulloх соллalloху алайхи васаллам уларга бирор узр топа олмай, хаммасини хажр килиб, улар билан алокани узиб кўйганлар. Орада ўтган вақт ичида дунё уларнинг кўзига тор кўришиб кетди. Кейин уларнинг тавбаси қабул килингани тўғрисида Куръон оятлари нозил бўлди. Бу мусулмон одам Аллохнинг буйругини унутиши ёки ўзини билмаганга олиб, ундан қолиб кетиши мумкин эмаслиги тўғрисида, хусусан, жангдан ортда колмаслик керак экани тўғрисида бир дарс эди. Аллох таоло шундай деди: **«Аллох Набийнинг хамда унга ўзларидан бир гуруҳнинг қалблари тойиб кетай деганидан кейин кийинчилик соатида эргашган, сўнгра Аллох тавбаларини қабул килган мухожирлар ва ансорларнинг тавбасини қабул килди. Албатта, У Зот уларга шафқатлидир, раҳмлидир. Ортда колган уч кишининг хам. Нихоят, уларга кенг ер тор бўлиб, юраклари сиқилиб, Аллохнинг Ўзидан бошқа бошпана йўқлигига тўла ишонганларидан сўнг, бутунлай қайтишлари учун**

(Аллох уларнинг)

тавбаларини қабул килди. Албатта, Аллох Тавбани кўплаб қабул килувчидир, раҳмли Зотдир»

(Тавба сураси, 117-118-оятлар)

1. Куръон Аллохнинг Қаломи эканига қатъий далолат

Маълумки, Куръон Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга бўлак-бўлак бўлиб, йигирма уч йил мобайнида нозил бўлган. Хар сафар бир ёки бир нечта оятлар нозил бўлиб турган. Бирок, шундай бўлса ҳам, бу муборак каломнинг аввалидан охиригача оятларнинг мутаносиб, изчил кетма-кетликда, нафис, пухта услубда, ўзаро мустахкам богликликда эканини кўрамиз. Куръондаги сура, оят ва жумлалар махорат билан ипга тизилган кимматбахо маржондек бир-бирига чамбарчас богликдир.

Аввал ҳам, кейин ҳам инсоннинг бунга ўхшаш каломи бўлмаган. Аллох таоло: **«Алиф Лам Ро. Бу – оятлари мустахкам, Хаким ва Хобир Зот томонидан муфассал килинган Китобдир»**, деган
(Худ сураси, 1-оят).

Куръонинг услубидаги бундай мутаносиблик, оятлар орасида ҳеч бир ихтилофнинг йўклиги ҳам унинг Алим ва Хаким Аллохнинг каломи эканига катта далилдир. Агар у махлуқотларнинг каломи бўлганида, бу йилгиси кейинги йилгисига зид бўлиб колар эди.

Аллох таоло: **«Куръонни тадаббур килиб кўрмайдиларми? Агар у Аллохдан бошқанинг хузуридан бўлганида унда кўп ихтилофлар топар эдилар»**, деган
(Нисо сураси, 82-оят).

Набий соллаллоху алайхи васалламнинг ҳадислари фасохат ва балогат бобида Куръондан кейинги ўринда туради, аммо унинг сўзлари Куръон каби иборалари бир китобга тизилган, осон, чамбарчас, бир-бирига боглик эмас.

1. Набавий сийратни, воқеа-ходисаларни тасдиқлаш

Бўлак-бўлак бўлиб нозил бўлган Куръон оятлари Мухаммад соллаллоху алайхи

васалламни пайгамбарларнинг хотами, сўнггиси эканига, набавий сийрат воқеа-ходисалар асосида шаклланганига, анбиёларнинг киссалари, расулларнинг сийратлари ва аввалги умматларнинг ҳаётига қўшилганига далолат килади.

Мана шу оятлар сийратдаги воқеа-ходисаларнинг ҳақиқатдан ҳам содир бўлганига ёркин далилдир. Оятларнинг муайян воқеа-ходисаларга боғлиқ равишда, бўлак-бўлак бўлиб нозил бўлиши асри саодатдан то бугунги кунимизгача бўлган Ислом тарихига муқаддима сифатида набавий сийратни пойдеворларини чизиб берган.

Мухаммад Алий Мухаммад Юсуф тайёрлади